

**ЗАМОНАВИЙ БОСҚИЧДА ХАЛҚАРО ЭНЕРГЕТИКА ХАВФСИЗЛИГИГА АСОСИЙ
ТАҲДИДЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Оқилиддин Алимов

ТДШУ кафедра мудири, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Замонавий дунёда энергетика ресурслари аҳоли турмуш сифатини яхшилаш, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга тақдим этиладиган имкониятларни кенгайтириш учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда энергия – сайёрада цивилизация мавжудлигини таъминловчи асосий ва ягона ресурс. Дунёдаги энергия эҳтиёжлари асосан нефть, табиий газ ва кўмир қазиб олиш билан қондирилади. XX аср ва XXI асрнинг бошларида индустриал саноатнинг жадал ривожланиши уч турдаги ресурсларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали энергия балансини таъминлашнинг бошланғич схемасини яратишга ёрдам берди.

Сўнгги прогнозларга кўра 2030 йилга қадар дунё аҳолисининг сони 8 миллиарддан ва 2050 йилга келиб эса 10 млрд.дан ошиши кутилмоқда. Шу билан бирга, аҳолининг 80 фоизи ривожланаётган мамлакатларда яшайди. Дунё аҳолисининг ўсиши энергия истеъмолига сезиларли таъсир кўрсатади. Шунингдек, энергетик мувозанат саноат ривожининг тезлигига ҳам боғлиқ. Мисол учун, XX асрда дунё аҳолисининг сони 3,6 баробар ўсди, глобал энергия баланси эса 10 баробар ошди. Гигант энергия эҳтиёжлари асосан Европа ва АҚШда саноатнинг жадал ривожланиши билан боғлиқ бўлди.

Масалан, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари учун ўрта муддатли истиқболда юқори иқтисодий ўсиш суръатлари йилига 4% гача прогноз қилинади. Йиллик ўсиш суръатлари 9 фоизни ташкил этадиган Хитой бу борада етакчилик қилмоқда. XX аср технологиясидан фойдаланган ҳолда бундай иқтисодий ўсишга энергия етказиб бериш имконсиз эди. Шунинг учун энергетика соҳасида инновацион технологиялар муҳим аҳамиятга эга.

XXI асрда ҳам XX асрдаги каби нефть, газ ва кўмир қазиб олиш орқали глобал энергетика мувозанатини таъминлашнинг энг содда, анъанавий механизми амалга оширилмоқда. Глобал энергия талаби эса тез суръатлар билан ўсиб бормоқда (йилига тахминан 3%). Агар бу нисбат сақланиб қолса, XXI асрнинг ўрталарига келиб энергия баланси 2,5, аср охирига келиб эса 4 баробар ошиши мумкин.

Энергия ресурслари тобора камайиб бориш хусусиятига эга бўлиб бу ўз навбатида глобал характердаги энергия муаммоларини юзага келтиради. Шунинг учун, энергетика бозорида нархлар бўйича самарали, ишончли ва экологик тоза энергия таъминотига эришиш ҳар бир давлат ва умуман жаҳон ҳамжамияти учун муҳим аҳамият касб этади. Энергия хавфсизлиги муаммоси

нафақат миллий, балки глобал характер касб этиб, жаҳон ҳамжамиятининг барча аъзоларини уни ҳал этишга жалб қилди.

Бугунги кунда жаҳоннинг аксарият мамлакатлари раҳбарлари, етакчи халқаро ташкилотлар ва интеграция тузилмалари, кўплаб илмий-тадқиқот институтлари миллий ва жаҳон энергетика таъминотидаги муаммоларни ҳал қилиш устида иш олиб бормоқда.

Энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг дастлабки, асосий шarti энергетика соҳасига зарар етказиши ва мамлакат энергия таъминотининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хавфларни аниқлашдир. Хавфларнинг манбалари асосан, энергетик фаолият учун потенциал халокатли шароитлар, ҳодисалар, омиллар, воқеалар кабилардан иборатдир.

Энергетика хавфсизлигини таъминлаш кўп қиррали бўлиб, энергия ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари инфратузилмасини ривожлантириш, кўплаб энергия экспортёрлари билан халқаро ҳамкорликни таъминлаш вазифаларини назарда тутди. Энергетика хавфсизлигига таҳдидлар: давлатга нисбатан – ички ва ташқи; салбий оқибатларнинг миқдорига кўра – миллий ва глобал; манбасига кўра – инсоний, иқтисодий, табиий, ижтимоий, экологик, сиёсий бўлиши мумкин.

Техноген таҳдидлар – авария, ёнғинлар, портлашлар ва бошқалар оқибатида энергия ишлаб чиқариш объектларининг шикастланиши ва фаолиятидаги узилишлар билан боғлиқ. Табиий таҳдидлар: сув тошқини, zilzilalar, бўронлар, цунами ва бошқа табиий офатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Иқтисодий таҳдидларга жаҳон инқирози, модернизация ва инновация учун маблағлар, инвестицияларнинг етишмаслиги, импорт қилинадиган ускуналарга қарамлик ва бошқалар киради.

Ижтимоий таҳдидлар инсон фаолияти, қобилиятсизлик, масъулиятсизлик, меҳнат можаролари, иш ташлашлар ва бошқалар билан боғлиқ.

Сиёсий таҳдидларга давлат тўнтариши, террористик ҳаракатлар, ташқи дунёнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий таъсирлари, геосиёсий омиллар, этник низолар, ахборот урушлари ва бошқалар киради. Сиёсий таҳдидларнинг мураккаблиги, уларнинг олдини олиш ва оқибатларнинг кўламини енгиш нуқтаи назаридан, уларнинг субъективлик, жўшқинлик ва кам прогнозлик даражаси билан белгиланади.

Шунга қарамай, ҳар қандай таснифлаш нисбийдир. Кўпинча, техник муаммолар билан боғлиқ хавф экологик оқибатларга олиб келади, иқтисодий таҳдидларни бартараф этиш ўз навбатида сиёсий ечимларни талаб қилади. Энергия хавфсизлигига таҳдидларнинг барча турларини аниқлаш ва таҳлил қилиш уларни бартараф этиш учун тегишли ёндашув ва чора-тадбирларни ишлаб чиқишда давлатларнинг энергетика стратегияси, ташқи ва ички энергетика сиёсати ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Ҳар қандай таҳдидларни бартараф этишнинг самарали усулларини топиш учун уларнинг табиатини тушуниш муҳимдир. Булар: келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш тенденциялари, беқарорлаштирувчи таъсирнинг даражаси ва миқдори ва бошқалар.

Энергия хавфсизлигига таҳдидлар қуйидаги гуруҳларга бўлиниши мумкин:

1. Дунёнинг барча мамлакатлари дуч келадиган таҳдидлар: анъанавий ёқилғи-энергетика захираларининг камайиши ва жаҳон иқтисодиётининг углеводород энергия ресурсларидан фойдаланишга боғлиқлиги; энергетика хавфсизлигининг сиёсийлашуви (муайян мақсадларга эришиш учун энергия омилидан сиёсий дастак сифатида фойдаланиш) ва жаҳон бозоридаги энергия нархларининг ўзгариши.

2. Энергия импорт қилувчиларга нисбатан таҳдидлар: энергия таъминоти ва энергетика инфратузилмасига ҳар қандай зиён етиши; импорт қилинадиган нефть ва табиий газга бўлган қарамликнинг ортиши; айрим мамлакатларда қазилма ёқилғи захираларининг концентрацияси.

3. Экспортёр давлатларга нисбатан таҳдидлар: жаҳон энергетика бозорларидан фойдаланишнинг чекланганлиги, дунё энергетика муносабатларидаги беқарор вазият ва бошқалар³³.

Халқаро энергетика хавфсизлигига дастлабки таҳдид У. Черчилль инглиз флотини Эрондан етказиб бериладиган ва Британиянинг денгиз ҳукмронлигини таъминлаши керак бўлган янги ёқилғи – нефтьга ўтказиши билан бошланган эди. Шу пайтдан бошлаб, Д. Ергиннинг фикрига кўра, нефть доимо жаҳон сиёсатининг марказида бўлиб, куч, мустақиллик ва ҳукмронлик рамзи бўлиб келган. Ва бутун йигирманчи аср бу ҳукмронлик учун кураш билан тафсифланади³⁴.

Жаҳон энергетикасини ривожлантиришнинг замонавий босқичи, XXI асрнинг бошидан бошлаб янги глобал муаммоларнинг пайдо бўлиши ва энергетика секторининг ишончли фаолиятига хавф туғдирадиган эски қарама-қаршиликларнинг чуқурлашиши билан тавсифланади. Кўпгина мутахассисларга кўра, углеводородларнинг барқарор таъминланиши учун энг катта таҳдид энергия етказиб беришни қисқартириш фонида дунёдаги энергия талабининг ўсиши ҳисобланади. Умуман олганда бутун дунё тобора энергияга қарам бўлиб бормоқда.

Африка, Лотин Америкаси, Осиёнинг ривожланаётган мамлакатларида, айниқса, Хитой ва Ҳиндистонда энергия ресурслари истеъмоли тез суръатларда ўсиб бормоқда, чунки бу мамлакатлар иқтисодиётининг жадал ривожланиши, уларнинг миллий саноатининг юқори энергия интенсивлиги, аҳоли сонининг тез ўсиши, аҳоли жон бошига энергия истеъмоли ва бошқаларга боғлиқ. Бу жаҳон энергетика бозорида глобал ўзгаришларга олиб келади: янги иштирокчилар ўзларининг ўзаро муносабатлар қоидаларини, глобал энергия

³³ Жизнин С.З. Энергетическая дипломатия: учебное пособие – Москва: МГИМО, 2002. – 189 с.

³⁴ Ергин Д. Добыча: Всемирная история борьбы за нефть, деньги и власть. – М.: ДеНово, 1999. – С.121.

оқимларининг йўналишларини, етакчи акторларнинг таъсирини, энергия бозоридаги тенденцияларни прогноз қилишида ноаниқлик даражасини оширади.

Бундан ташқари, энергия истеъмолининг ортиши жараёни товар муаммоларини чуқурлашиши билан бирга кечди. Биринчидан, истеъмол қилинадиган энергия манбаларининг тури ўзгармади – кўпинча углеводородлар ва асосан нефть бўлиб қолаверди. Шу билан бирга, углеводородларни қазиб олишнинг ҳозирги босқичи капитал қўйилмалар, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва инвесторларни излашни талаб қилувчи хусусиятга эга. Бундан ташқари, мавжуд бўлган қайта ишлаш заводлари маълум бир сифатли нефтга йўналтирилган бўлиб, уларнинг бошқа турга мослашиши эҳтимоли анча паст.

Иккинчидан, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш ҳали ҳам фаол эмас ва бугун углеводородлар билан рақобатлаша олмайди. Ядро энергетикасини ривожлантириш эса жамоатчиликнинг унга нисбатан норозилиги билан мураккаб характер касб этмоқда.

Шу ўринда, энергетика соҳаси ўзаро боғлиқлик ва ўзаро алоқалар билан характерланишини таъкидлаш зарур. Ушбу тизимнинг бир таркибий қисмидаги муаммоларнинг пайдо бўлиши барча иштирокчилар учун салбий реакциялар тўлқинини келтириб чиқариши мумкин. Энергия занжирининг асоси бўлган етказиб берувчилар энергия ресурсларининг мавжудлиги ва узлуксизлиги, саноатга инвестицияларнинг бардавомлигидан манфаатдордир. Энергияга бўлган талабнинг барқарорлиги орқали ўз навбатида истеъмолчилар етказиб берувчиларнинг инвестицияларини оқлашлари керак. Шундай қилиб, энергетика муносабатлари субъектларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги асносида кечади.

Бироқ, энергетика бозорининг барқарор фаолият юритишида акторлар ўзаро манфаатдор бўлишига қарамасдан, экспорт қилувчилар ва импортёрлар манфаатлари мувозанатига эришиш қийин. Экспертлар таъкидлаганидек, экспорт-импорт муносабатларининг тенденцияси зиддиятлардан холи эмаслиги энергия хавфсизлиги учун жиддий муаммо ҳисобланади. Можаронинг кучайиши нафақат етказиб берувчилар ва импортёрлар орасида, балки харидорлар ва сотувчилар гуруҳлари орасида ҳам юз беради. Ушбу муносабатлар ресурслар учун ҳамкорлик ва рақобат унсурларини бирлаштиради.

Энергетика хавфсизлигига янги таҳдид сифатида энергия ресурслари транзитини тўсиб қўйиш, энергия ресурслари объектларини эгаллаб олиш каби намоён бўлмоқда. Энергия таъминот занжири доимо мураккаб ва узайиб бормоқда, энергия ресурслари олиб ўтилаётган мамлакатлар сони ортиб бормоқда. Авваламбор, бу сўнгги йилларда қурилиши жадаллашган энергия ресурслари қувурлари билан боғлиқ. Транзит давлатлари кўпинча транспорт коридорларидан экспортёр ва импорт қилувчиларга нисбатан сиёсий босим

механизмларидан фойдаланмоқдалар. Натижада, етказиб беришдаги муаммолар, ва ҳатто қувурларни ёпиш натижасида ҳудудлараро можаролар юзага келмоқда. Узлуксиз транзитни амалга ошириш масаласи ўзаро ҳамкорликнинг зарурлигини аниқ кўрсатмоқда. Барча энергия таъминот занжири хавфсизлигини таъминлашга фақат давлат даражасида мувофиқлаштирилган ўзаро таъсирлар орқали эришиш мумкин.

Бугунги кунда энергия инфратузилмаларига нисбатан амалга оширилиши мумкин бўлган террористик ҳаракатлар энг катта таҳдидлардан бири сифатида кўрилмоқда. Бу мисли кўрилмаган вайронагарчиликлар ва техноген офатларга сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, террористик хуружлар сиёсий вазиятни издан чиқариб, давлатлардаги ички беқарорлашув ва авторитар режимларни кучайтиришга ёрдам беради. Натижада, давлатлар энергетика соҳасидаги давлат назоратини кучайтиришга ва энергетика иншоотларини муҳофаза қилиш бўйича жиддий чора-тадбирлар кўришга мажбур бўлади, бу эса ўз навбатида энергия ресурслари нархининг юқори бўлишига олиб келади.

Энергия хавфсизлиги учун мураккаб муаммолардан бири атроф-муҳитнинг зарарланиши ва парник газлари чиқиндиларининг асосий манбаи бўлган органик ёқилғидан фойдаланишдир. Глобал иқлим ўзгариши билан боғлиқ ташвиш жаҳон ҳамжамиятини уни олдини олиш учун чоралар кўришга мажбур қилмоқда. 2015 йил декабрь ойида Парижда бўлиб ўтган халқаро иқлим ўзгариши конференциясида Киото келишуви қоидалари аниқланди ва янги шартнома имзоланди. Анжуман иштирокчиларининг кўпчилиги миллий иқтисодиётнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўз мамлакатлари учун иқлим исиши билан курашиш режаларини тайёрладилар. Жумладан, Хитой кўмир истеъмолини 20 фоизга қисқартиришни ваъда қилди, деярли барча давлатлар қайта тикланадиган энергия истеъмолини кўпайтиришга келишиб олдилар.

Қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий қилиш нафақат атроф-муҳит, балки табиий ресурсларни тежаш, келажак энергиясини ривожлантириш омилларидан келиб чиқади. Бироқ, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш импорт қилинадиган углеводородлар ҳажмини қисқаришига олиб келади ва бу уларни сотадиган мамлакатлар учун иқтисодий муаммодир. Шу билан бирга, истеъмолчилар энергия импортига қарамлик муаммосини ҳал қиладилар ва уларнинг энергетика хавфсизлиги таъминланади. Таъминловчиларнинг эса асосий даромад манбаини йўқотиш эҳтимоли ортади. Шу муносабат билан ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ҳозирги босқичда иқтисодиётни қайта қуриш жараёнининг янги шарт-шароитларига фаол равишда қўшилишлари зарур. Бироқ, яқин келажакда углеводородлар учун жиддий муқобил ресурс ҳам мавжуд эмас. Шунга кўра, янги қазилма ёқилғи захираларини тадқиқ қилиш ва ривожлантириш давом этмоқда, кўпинча баҳсли ҳудудлардаги низолар шаклида энергетика хавфсизлигига янги таҳдидларни

келтириб чиқармоқда. Масалан, Арктикада энергетика лойиҳаларини амалга ошириш учун бир қатор давлатлар даъвогар бўлиб келмоқда. Бу борада Россия, Дания ва Канада анча фаолдир. Ҳозирда Норвегия, Швеция, Финляндия ва Исландия ҳам унга қўшилишни режалаштирмоқда.

Шундай қилиб, замонавий энергетика дунёсининг ҳолати кенгайиб бораётган таҳдидлар қўлами билан тавсифланади. Шу билан бирга, ҳар бир мамлакат учун хавфларнинг таркиби ва характери индивидуалдир. Бундан ташқари, бир хил таҳдидларнинг муайян мамлакатларнинг энергия хавфсизлигига таъсир даражаси фарқ қилади. Бир мамлакат учун муаммо бўлган вазият бошқаси учун фойда бўлиши мумкин. Шунинг учун энергетика хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш усуллари турли хусусиятларга эга бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, замонавий босқичда ҳар қандай давлат ёқилғи-энергетика тизимининг ишончли ишлаши, изчил ташқи сиёсат ҳамда фаол энергетика ҳамкорлиги ва мамлакатни энергия билан таъминлашнинг зарур даражасини қўллаб-қувватлайдиган самарали механизмларни ишлаб чиқиш энергия хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида қуйидаги тавсияларни илгари суриш мумкин:

Биринчидан, жаҳон ҳамжамиятининг энергетика хавфсизлигини таъминлашга фақат узоқ муддатли мўлжал ва прогнозларни ҳисобга олган ҳолда эришиш мумкин. Бу дунё энергия ресурслари глобал мониторинги натижалари ва улардан фойдаланишга асосланган бўлиши керак.

Иккинчидан, илмий-техник муаммоларни ҳал этишда давлатларнинг янада интеграциялашуви инновацион технологияларни муваффақиятли жорий этишга ёрдам беради. Энергетиканинг кўпгина соҳаларида йирик дастурларни яратиш ва амалга ошириш талаб этилади.

Учинчидан, замонавий босқичда ягона глобал энергетика майдонининг шаклланиши инсониятнинг энергия хавфсизлиги гаровидир. Келгуси йилларда бу жараённи янада жадаллаштириш ва глобал энергия учун методологик, норматив-ҳуқуқий ва институционал асосларни ишлаб чиқиш зарур.

Тўртинчидан, XXI асрда ҳам нефть, газ ва кўмир жаҳон энергиясининг асосий манбалари бўлиб қолади. Ушбу энергия манбаларининг юқори самарадорлиги инсониятнинг барқарор ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, жаҳон энергетикасини ривожлантириш стратегияси экологик тоза энергия манбаларидан фойдаланиш истиқболларини ва уларнинг тараққиёти учун энг янги технологияларни эътиборга олиши даркор, бу ўз навбатида халқаро энергетика хавфсизлигини таъминлайди. Жаҳон ҳамжамияти ер қаъри, океан ресурслари, қуёш энергияси ва тинч мақсадларда атомни ривожлантиришда улкан илмий-техник ютуқларга эришмоғи даркор. Шундагина инсоният юқори даражадаги турмуш тарзи, ривожланган

иқтисодиёт ва маданият, халқаро ва миллий хавфсизлик гарови бўлган тоза, ишончли ва хавфсиз энергияга бўлган тобора ортиб бораётган талабни қондира олади.